



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI
BO‘KA TUMAN HOKIMI
FARMOYISHI

2021 - yil 17 - oktabr

135-10-137-F/21

Bo‘ka tuman hokimligi

Маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сонли Қонуни, Халқ депутатлари Бўка тумани кенгашининг 2021 йил 11 октябрдаги VI/XLIII-VII-сонли “Туманда кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни молиялаштириш тўғрисида”ги қарори ҳамда туман ҳокими томонидан жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш жараёнида фуқаролардан келиб тушаётган аксарият мурожаатлар маҳалла фуқаролар йиғинидаги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдан иборат эканлиги ва Тошкент “Сув таъминоти” МЧЖ Бўка туман бўлимининг 2021 йил 15 октябрдаги 643-сонли хати ҳамда туман ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича ўринбосарининг билдиргисини инобатга олган ҳолда,

1. Туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3-чорак якуни билан шаклланган даромадларнинг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан туман ҳокимининг 2021 йил 14 октябрдаги 132-10-137-F/21-сонли фармойишга асосан туманга бириктирилган 3 та профилактика инспекторлари ва 13 та патрул пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш штат бирликларини 2021 йил 4-чорак давомида сақлаш харажатлари учун ҳамда 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли қарорининг 1-бандига мувофиқ туман ИИБ тизимида жамоат

тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида туман ИИБ бўлимининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш (компютер техникаси, принтер 3в1, принтер рангли) учун ажратилган маблағлар 1-иловага асосан камайтирилсин.

- туман ҳокими томонидан жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш жараёнида фуқаролардан келиб тушаётган аксарият мурожаатлар маҳалла фуқаролар йиғинидаги аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашдан иборатлигини ҳисобга олган ҳолда полиэтилен сув қувурлари, сув кўтариш насослари, зулфин ва бошқа товар-моддий бойликлар сотиб олиш харажатлари учун туман Ободонлаштириш бошқармасига **500 000,0** (беш юз миллион) минг сўм, маблағ ажартилсин.

2. Туман Ободонлаштириш бошқармаси (И.Эргашев), ушбу ажратилган маблағларни “Давлат харидлари тўғрисидаги” қонун талаблари доирасида мақсадли сарфланишини ва белгиланган тартибда Тошкент “Сув таъминоти” МЧЖ Бўка туман бўлимига харид қилиб олинган товар-моддий бойликларни белгиланган тартибда беғараз ўтказиб берилишини таъминласин.

3. Тошкент “Сув таъминоти” МЧЖ Бўка туман бўлими (А.Абсаломов), туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан беғараз ўтказиб берилган асосий воситалар ва товар-моддий бойликларни белгиланган тартибда қабул қилиб олиниши ҳамда мақсадли ишлатилишини таъминласинлар.

4. Туман ҳокимлиги Молия бўлими (М.Хакбердиев) тегишли ҳужжатларни белгиланган тартибда ДМБАТ дастурига киритилишини таъминласин.

5. Туман Ғазначилик бўлинмаси (А.Чолдибоев) ажратилган маблағларни белгиланган тартибда “Давлат харидлари тўғрисидаги” қонун талаблари доирасида ўтказилишини таъминласин.

6. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари в.в.б О.Мухамедханов, туман ҳокимининг ўринбосари Х.Ашуровлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Н. Аббосов

Бўка туман ҳокимининг
2021 йил 17 октябрдаги
135-10-137-F/21-сон фармойишига
1-илова

2021 йил 3-чорак давомида даромадларнинг ортикча бажарилган қисми ҳисобидан туман ҳокимининг фармойишига асосан берилган маблағларни камайтириш бўйича

минг сўм

| Т/р | Туман ҳокимининг фармойиши рақами ва санаси | Ҳоким фармойишига асосан ажратилган маблағларни камайтириш бўйича | |
|-----|---|---|------------------------------|
| | | сумма | Харажатлар сметасидаги модда |
| 1 | Бўка тумани ҳокимининг 2021 йил 14 октябрдаги 132-10-137-F/21-сонли фармойиши | -545 286,0 | 48 21 190 |
| 2 | Бўка тумани ҳокимининг 2021 йил 14 октябрдаги 132-10-137-F/21-сонли фармойиши | -170 000,0 | 43 54 920 |
| | Жами | -715 286,0 | 0 |